



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 186 (8926).

1986 йил 1 октябрь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ХОСИЛ—86



29 СЕНТЯБРЬ кунин областимиз далаларида мавжуд 2796 та терим агрегатининг 2452 таси ишлатилди. Уларнинг ҳар бирида ўртача 6,7 тоннадан пахта терилди.

Бу борада Чиноз ва Ўрта Чирчиқ райони механизаторлари жонбозлик кўрсатдилар. Чинозлик механизаторлар ўтган кунин 140 та терим агрегатининг ҳаммасини далага олиб чиқиб, ўртача 9,1 тоннадан пахта териб бердилар. Ўрта Чирчиқ районини эса 274 та «зангори кема» ишлади. Уларнинг ўртача иш унуми 8,9 тоннани ташкил этди.

Коммунистик ва Пискент районларида ҳам шу кунин терим агрегатларида самарали фойдаланилди. Уларнинг ҳар бирида ўртача 7—7,2 тоннадан пахта териб олинди.

БЕКОВОД

«ЛЕНИНГРАД» совхозининг У. Умаров бошчилигидаги бригадаси деҳқонларни маррага етдилар. Улар хўжаликда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажаришди. 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан «оқ олтин» янгиштириб олинди. Механизаторлар Гофур Усеинов, Вагиз Собитовлар бу ҳосилнинг 80 процентини ўз агрегатлари бункеридан тўқиб олишди. Иккинчиларини ҳисоблаб чиққан бригадаси деҳқонлари ҳар гектар ердан яна 15 центнердан пахта олишга аҳд қилдилар.

ШУ КУНИ райондаги Деврижский номили колхоз механизаторлари машина теримида энг юқори натижага эришдилар. Улар 27 та терим агрегатининг ҳар бирида ўртача 9 тоннадан пахта териб олишди. Навоий номили колхоз деҳқонлари эса район хўжаликлари ўртасида ҳамон пешқадамликни қўлдан бермай келишляпти. Бу ерда ҳозиргача йиллик планнинг 83,65 проценти миқдоридан пахта тайёрлаб қўйилди.

ПИСКЕНТ

«ГУЛИСТОН» колхозида мусобақанинг навбатдаги беш кунлигига яқин ясалди. Хўжаликнинг Исмаил Сариев бошчилиги қилаётган бригадаси аъзолари голиб чиқибди. Бу бригадаси йиллик планнинг 85 процентидан ортиқ пахта тайёрлаб қўйилди. Ўтган кунин улар ўн процент миқдоридан ҳамон топиришди. Беш кунда ўз агрегатидан 44 тонна пахта теришга эришган Хусан Қўчинов.

мов механизаторлар ўртасидаги беллашувда пешқадамлик қилашляпти. Унинг шу кунгача уйган хирмони 60 тоннадан ортиб кетди.

БҲКА

ЎТГАН кунин районда кунлик ўсишда Ҳамза номили колхоз энг юқори натижага эришди. Шу кунин хўжалик деҳқонлари қабул пунктларига 400 тонна пахта топширишди. Бу йиллик планнинг 6,61 процентига тенгдир. Колхозда ҳозиргача териб олинган 1660 тонна «оқ олтин»нинг 1290 тоннаси «зангори кема»лар бункеридан тўқилди. Ўтган кунин колхоздаги мавжуд 40 та машинанинг ҳар бирида ўртача 7,5 тоннадан пахта териб олинди.

ОҚҚУРҒОН

ОХУНБОВОВЕВ номили колхоз деҳқонлари терим суръатини кундан-кунга ошириб бормоқдалар. Улар мавсум бошлангандан буён хўжаликларида ташкил этилган мусобақада олдинда бормоқдалар. Бу ерда ҳозиргача йиллик планнинг 43 проценти миқдоридан ортиқ пахта тайёрлаб қўйилди. Ўтган кунин Ботинцев номили колхозда 27 та терим агрегати ишлатилиб, ўртача тўққиз тоннадан пахта териб олинди.

Афсуски, райондаги Сегибеев номили совхоз пахтакорлари ва механизаторлари илгорлардан ўрнатилган олиш маъноси. Бу ерда эндигона йиллик планнинг 5,5 проценти миқдоридан пахта тайёрланди, холос. Энди отия қамчилайдиган пайт келди. Барча терим агрегатларини далага олиб чиқиб, юксак унум билан ишлатиш керак.

РАЙОННИНГ бир гуруҳида меҳнат ветеранлари ва пенсионерлари мувожаат билан чиқибди. Улар районнинг барча пенсионерларини ва уй бекаларини пахта йиғим-теримида деҳқонларга қўмақлашга чақирдилар. Агар райондаги ҳар бир меҳнат ветерани ва уй бекаси кунига 15 килограммдан пахта терса, район хирмонига 30 тонна пахта қўшилиб экан. Улуг Ватан уруши қатнашчиси Сотиболди ота Қосимбеков, пенсионер Амрқур ота Бегимкулов, район ветеранлар Советининг раиси Ҳабидулла ота Юсуповлар бу даъватга биринчилар қатори қўшилиб, пахта теримига чиқдилар.

КОММУНИСТИК

ЎТГАН кунин районда йиллик планнинг 5,41 проценти миқдоридан пахта тайёрланди. Карл Маркс номили колхоз деҳқонлари шу кунин 6,35 процент пахта топшириб, энг юқори натижага

эришдилар. Райондаги барча хўжаликларда ҳам шу кунларда имкониятларини тўла ишга солиш учун курашмоқда. Терим агрегатларидан унумли фойдаланиш учун ҳаракат қилинмоқда.

ДАЛАДАГИЛАР УЧУН

ОБЛАСТЬ маданият бошқармаси ходимлари дала меҳнаткашларига намунали хизмат кўрсатишмоқда. Ай-

ни кунларда районларда 42 та агитбригада ва хаваскорлик коллективлари график бўйича далага қатнаб туришмоқда. Мавсум бошлангандан буён пахтакорларга 701 марта концерт намоиши этилди. 170 марта турли темаларда суҳбатлар ўтказилди, лекциялар ўқилди. 39 та тематик нечалар ташкил этилди. 171 та намоғовар варақа, «Чақмоқ»нинг махсус сонлари чиқарилиди.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 30 СЕНТЯБРГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун машина терими — бир кунлик, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

	Чиноз	Пискент	Янгийул	Бекобод	Ўрта Чирчиқ	Колмунистик	Оққуғрғон	Бўка	Ғалаба
Чиноз	5,32	38,85	6,44	26,86	26,86	26,86	26,86	26,86	26,86
Пискент	4,95	32,19	5,95	30,21	30,21	30,21	30,21	30,21	30,21
Янгийул	3,85	28,60	4,55	22,86	22,86	22,86	22,86	22,86	22,86
Бекобод	4,20	26,36	4,98	21,11	21,11	21,11	21,11	21,11	21,11
Ўрта Чирчиқ	6,00	26,26	8,02	31,86	31,86	31,86	31,86	31,86	31,86
Колмунистик	5,41	20,39	7,05	25,75	25,75	25,75	25,75	25,75	25,75
Оққуғрғон	3,56	19,86	4,41	16,54	16,54	16,54	16,54	16,54	16,54
Бўка	4,15	14,69	5,12	13,83	13,83	13,83	13,83	13,83	13,83
Ғалаба	3,25	9,55	4,23	9,98	9,98	9,98	9,98	9,98	9,98
Область бўйича:	4,36	22,41	5,42	20,49	20,49	20,49	20,49	20,49	20,49

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида маълумот (мавсум бошидан буён, планга нисбатан процент ҳисобида): Фарғона—42,91; Бухоро—34,03; ҚАССР—29,40; Хоразм—29,20; Сурхондарё—23,29; Тошкент—22,41; Наманган—22,22; Андижон—16,06; Қашқадарё—15,98; Самарқанд—15,61; Навоий—14,52; Жиззах—12,94; Сирдарё—9,81; республика бўйича—22,72.



Савринисо Оқилова Бекобод районидagi Деврижский номили колхознинг Абдували Узоқов бошлиқ бригадасида меҳнат қилади. У айни пайтда теримчилар ўртасида ўтказилаётган ўз-ара мусобақада пешқадамликни қўлдан бермапти.

Бўка районидagi Ҳамза номили колхознинг Курбонали Холбўтаев етакчилигидаги бригадаси деҳқонлари 35 центнерлик марра учун курашмоқдалар. Бригадани қўлининг ялғовлиги теримчиси Марғуба Бўронова ана шу курашнинг олдинги сафида бормоқда.

Малоҳат Фозилова мавсумда астойдил меҳнат қилиб, коллективнинг улкан хирмонига муносиб улуш қўшишга аҳд қилган. У Пискент районидagi «КПСС XXVI съезди» совхози далаларида кунига нормадан ошариб пахта теришга эришмоқда.



Янгийул районидagi «Ленинизм» колхозининг Камол Юнусов бошлиқ бригадаси деҳқонлари мавжуд 59 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун курашни тобора авж олдирмоқдалар. Машина теримда илгор механик-ҳайдовчи Ҳасан Еқубов пешқадамлик қилмоқда. Суратларда: (ўнгдан) дала ший-понида тушлик пайти; Х. Еқубов агрегати теримда. А. Зуфаров фотолари.



Ҳайдовчи Ҳасан Еқубов пешқадамлик қилмоқда. Суратларда: (ўнгдан) дала ший-понида тушлик пайти; Х. Еқубов агрегати теримда. А. Зуфаров фотолари.

ХУШХАБАРЛАР

ТОШКЕНТДА ЯНА БИТТА АВТОБУС МАРШРУТИ пайдо бўлди. 14 километрли йўл Юнусовободнинг янги кварталларини шаҳар маркази билан боғлади. Энди республикавий пойтахтдаги автобус маршрутлари сонин 129 тага чиди. Уларнинг жами узунлиги 1200 километрга боради.

РОБОТЛАР ИШИГА ҚўЙИЛДИ. Тошкент қадоқлаш ва ўраш машина-ускуналари тажриба конструкторлик ва технологик босирининг цехларига электрон ёрдамчилар келди. Роботлаштирилган туртки комплекс токарлик ишларини икки смена бўлиб бажаришда. Янги техникани жорий этиш программасига мувофиқ рақамли программа билан бошқариладиган учта фрезер станоклари ҳам ишга солинди. Тошкентда барно этилган электрон машина-ускуналарга хизмат қилувчи махсус марказ уларни сошлаб берди.

ТОШКЕНТ МЕБЕЛЬ ЗАВОДИ маҳсулотларининг биринчи «Н» индекси берилди. Корхона дизайнерлари ошона учун янги буюмлар туркуми қулайликларини ошириш тўғрисида қайтардилар. Бу туркум ҳолодлик учун махсус тағлиқдан, соат ва таймер билан жиҳозланган олма шифадан иборат. Мебелнинг ташки қўрилиши ҳам харидорларга маъқул тушди.

ТОШКЕНТ ХИМИЯ-ФАРМАЦЕВТИКА заводида ампициллин таблеткаларини ўрайдиган янги автомат беш кишининг ўрнини босди. У уч соат ичида бутун бир бригаданинг сменалик иш нормасини бажарилади. Яқинда бу ерда «Плантаглюцид» препаратини грануллини ўрайдиган линия ҳам ишга солинди, яна битта шундай линия созланяпти. (ЎЗАТ).

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи беш йиллик топириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитетини бirlашмалари, корхоналари ва ташкилотларини ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини СССР орден ҳамда медаллари билан мукофотлади.

Тошкент области ва Тошкент шаҳри бўйича:

МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Собиров Абдулазиз — Тошкент бошқармаси автомобиль ҳайдовчиси.

П ДАРАЖАЛИ МЕХНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Меденцев Виталий Васильевич — Тошкент нефть базаси слесари.

П ДАРАЖАЛИ МЕХНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН Раҳимов Файзулла Негматович — Кучлик нефть базаси оператори.

«ШАВКАТЛИ МЕХНАТ ШУҲРАТИ» МЕДАЛИ БИЛАН Шайдуллин Альфат Шайдуллович — 1-яхтисослаштирилган кўча механизацияланган колонна слесарь-монтажчиси.

Етушенок Ольга Николаевна — Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитетининг бўлим бошлиғи.

Иброҳимов Фаттоҳ Яхёевич — Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитетининг давлат нефть инспекцияси бошлиғи.

«МЕХНАТДА ЎРНАК КўРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН Давоенский Болеслав Петрович — механика устахонаси слесарь-асбобчиси.

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи беш йиллик топириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР агро-саноат комплексини корхоналари, ташкилотларининг колхозчилари, ишчилари ва мутахассисларини СССР орден ҳамда медаллари билан мукофотлади.

Жулаев, Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бirlашмасининг бир гуруҳи иш-хизматчилари ҳам СССР орден ва медаллари билан мукофотландилар.

«ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН Янгаева Нурия Доираллоевна — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бirlашмаси ишчиси.

П ДАРАЖАЛИ МЕХНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН Олимхўжаев Саидмахмуд Саидқосимович — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бirlашмаси мастери.

Ашуров Абдусамат Абдурабобович — Чирчиқ гўшт комбинати ишчиси.

Криворотова Галина Антоновна — Олмалик гўшт комбинати ишчиси.

Солиқова Раёна Тўғрубоевна — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бirlашмаси кадоқловчиси.

Эргашев Хайридин — Ангрен гўшт комбинати ишчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕХНАТ ШУҲРАТИ» МЕДАЛИ БИЛАН Азизов Али Серверович — Чирчиқ гўшт комбинати ишчиси.

Ахмедов Холхўжа — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бirlашмаси ҳолодликни қўрилмалари машинисти.

Каримбекова Салима — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бirlашмаси ишчиси.

Мирзаев Жўра — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бirlашмаси ишчиси.

Худойбердиев Шораҳим Шоқосимович — Тошкент гўшт саноати ишлаб чиқариш бirlашмаси партия комитетининг секретари.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИТТИФОҚ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ

СССР Олий Советининг сайловлар тўғрисидаги Қонунининг 60-моддасига мувофиқ Бўка районидagi «Кремль» совхозининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллектив томонидан номзоди кўрсатилган СССР Олий ва махсус таълим министри, 1927 йилда туғилган, КПСС аъзоси Ягудин

Геннадий Алексеевич 605-Бўка сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советига қўшимча сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сайловлар тўғрисидаги Қонунининг 57-моддасига мувофиқ Тошкент области Оққуғрғон районидagi «Ленинизм» колхозини 6-пахтачилик бригадаси бошлиғи, 1951 йилда туғилган, КПСС аъзоси Холбоев Худойберди 75-Оққуғрғон сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сайловлар тўғрисидаги Қонунининг 57-моддасига мувофиқ Тошкент области Ўрта Чирчиқ районидagi Энгельс номили колхоз аъзолари томонидан номзоди кўрсатилган Энгельс номили колхоз чорвачилик фермасининг бригадаси бошлиғи, 1940 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ўролово Тўйгул Кенжабоевна 106-Тўйгул Кенжабоевна округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига қўшимча сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари.

605-Бўка сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советига қўшимча сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси.

605-Бўка сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советига қўшимча сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сайловлар тўғрисидаги Қонунининг 57-моддасига мувофиқ Тошкент области Ўрта Чирчиқ районидagi Энгельс номили колхоз аъзолари томонидан номзоди кўрсатилган Энгельс номили колхоз чорвачилик фермасининг бригадаси бошлиғи, 1940 йилда туғилган, КПСС аъзоси, Ўролово Тўйгул Кенжабоевна 106-Тўйгул Кенжабоевна округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига қўшимча сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари.

Ўзбекистон ССР Олий Советига қўшимча сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари.

АВТОМАТЛАР ЁРДАМИДА ШАРБАТ

ШУ КУНЛАРДА область агро-саноат комитетига қарашли Тошкент районидagi консерва заводида райондаги Леина номили, Собир Раҳимов номили, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларидан ва Абдурахмонов номили совхоздан қўллаб-қувватловчи машина ва тракторлар бeтўхот кeлиб турибди.

Хосили тез ва соз қабул қилиб олиш ҳамда қайта ишлаш жараянлари заводда тезкорлик билан амалга оширилмоқда. Бу ишда операторлар — Р. Рихиев, Г. Икромов, С. Журабекова топириқларини икки ҳиссадан бажариб, барчага намуна бўлмоқдалар.

Заводда узум шарбати тайёрлаш автоматлар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Корхонада бу йил пландаги 2400 ўрнига 4400 тонна шарбат ишлаб чиқарилади.

С. САФАРОВ.

ЧИРЧИҚ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЙ

ЧИРЧИҚДАГИ 93-механизацияланган кўча колонна коллективини тўққиз ойлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш арафасида туртишти. Колонна ишчилари «Электромонтаж» ишлаб чиқариш бirlашмаси ва Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиқда чидамли металл комбинатининг турли объектларида актив иш олиб бормоқдалар. Бригадлар ўртасидаги социалистик мусобақада К. Гарифуллин провора бўлган 1-участка коллективни карвонбошлик қилмоқда. Ишнинг тўғри ташкил этилганлиги, муштаҳам интизом коллектив муваффақиятини асосини ташкил этмоқда. Ҳақсиз биринчи ва иккинчи кварталлар якуни бўйича мусобақада голиб чиққан эди.

Э. РИЖИКОВА. ШАРТНОМА АСОСИДА

«ЧИРЧИҚСЕЛЬМАШ» заводи коллективини шартнома мажбуриятлари бўйича маҳсулот реализация қилиш топириқларини муваффақият қилиб бажариб кeлмоқда. Ўтган даврда 8943 та универсал пахта қўлтиқчалари, шундан 4 таси экспорт қўлда тутилган. Ишчилар учун янги душхоналар, руҳан дам олиш хоналари қурилади.

(ЎЗАТ).

А. ҒУЛОМОВ.

Техника тараққиёти йўлида ТРАКТОР КАБИНАСИГА КОНДИЦИОНЕР

Ўзбекистон сунъий иқлим... етказиб берувчи бўлиб қолади. Янгибозордаги қишлоқ хўжалик машина-созлиги тажриба заводи трактор ва комбайнларнинг кабиначилар учун ВТ-400 маркали совитданган ва иситилган аппаратларни қўллаб ишлаб чиқара бошлади. Тошкент трактор заводи шу йилиёқ мингта, яна бир йилдан сўнг 2500 та шундай

Янгибозорда тайёрланган климатизаторнинг тажриба намуналари Харьков ва Липецк трактор заводларига, Красноярск комбайн заводи-га ҳам юборилди.

ВТ-400 аппарати мамлакатимизда шу хилдаги биринчи қурилмадир. У конструкторларнинг ҳазил қилиб янгилашган, «хўл кўйлақ» принципини бўйича ишлайди: хўл кўйлақ қийин

салқинлайди. Климатизаторда сувни яхши сингдирадиган материал — винил-пласт «кўйлақ» вазифини ўтади. Хўл винилпласт вентилятор тўғрисида қўйлақ, кабина ичи салқинлашадиган ҳам юборилди.

Хўл завод техника янги-хатидан қайта жиҳозланмоқда. Беш йиллик охирига борада бир йилда ишлаб чиқариладиган сунъий иқлим

қурилмалари 100 мингтагача бориши керак. Бунда ишчилар сонин қарийб қўйлақмайди: барча ишлаб чиқариш жараёнилари механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади.

«Сибгипросельхозпро к т» институтини заводни келгусида ривожлантириш режаларини ҳам тайёрламоқда. 2000 йилга борадада бир йилда 350 мингтадан салқин қилидиган ва иситиладиган аппаратлар ишлаб чиқариладиган бўлади. Корхона ёнида машинасозларнинг шиянам посёлкаси қад кўтарилди.

Т. ДАҒЖИ,
ЎЗАТ муҳбири.

Экономика янгиликлари «ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» МАРКАСИ БИЛАН

«Ўзбексельмаш» заводида планга қўшимча равишда янги-хатидан ортиқ курак тувиш машинаси ясалди. Машинасозлар йиллик социалистик мажбуриятларининг муҳим пунктларидан бирини бажардил

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

САҲИФА № 8 (292)

ПАХТАЗОРЛАРДА МУВАҚҚАТ ПОСТЛАР

РАЙОН ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ ЯҚИНДА БЎЛИБ ЎТГАН МАКЛИСИДА ПАХТА ИГИМ-ТЕРИМИНИ ЎТҚАЗИШ ЮЗАСИДАН «Пискент» совхозидан халқ контроли группаси белгилаган таъбирлар маъқулланди. Группани ишчи коммунист, инженер Зухур Гуломов раҳбарлик қилмоқда. Унинг ташаббуси билан ҳар бир цех халқ контроли группаси ҳузурида 4 тадан муваққат постлар тузилди. Постлар мавсум давомида иш сифати ва самарадорлигини оширишга қўмақлашди. Ҳозир совхоз далаларида жами 52 та муваққат пост ишлаб турипти.

Ташаббус маъқуллангач, бошқа хўжаликларда ҳам муваққат постлар тузишга киришилди. Шу кунларда пахтачилик бригадаларида 178 та пост ишлаб турипти. Уларга 537 назоратчи берилашади. Пахта заводи ва таёрлов пунктларида ҳам шундай постлар ташкил қилинди. Уларга тажрибали назоратчилар раҳбарлик қилмоқдалар. Масалан, Пискент пахта тозалаш заводи халқ контроли группаси ҳузурида тузилган муваққат поста район халқ контроли комитети аъзоси, пенсионер Илья Иванович Тарасков раҳбарлик қилмоқда.

Яқинда Калинин номидаги совхоз далаларида қўла таълаб териб олинган 3,5 тонна пахта завод лабораториясининг бепарволиги билан иккинчи марта қабул қилинганлиги маълум бўлди. Бу ҳол совхоз вақилида ҳақиқат эътироз тугдирди. Шундан сўнг ишга муваққат пост аъзолари аралашдилар ва пахтадан такор намуна олиб текширишди. Маълум бўлишича, олдинги текширувда норма бўйича 6 та эмас, тўрт марта намуна олинган экан. Бунинг устига ЛПС-4 маркали аппарат қўратган рақамлар чалқаштириб ёзилди. Такорий текширув пайтида пахта биринчи марта муносиви эканлиги исботланди. Ишда камчиликларга йўл қўйган ҳодимлар жиддий оғоҳлантирилди. Шундан сўнг лаборатория иши анча таърибга тушиб қолди. Ҳозир келаятган ҳосил карвонларига пеш қабул қилиб олинмоқда.

Пахта тайёрлаш сўрағи кун сайин ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Дарҳақиқат машиналар ишга тушиши билан теримга ҳам баъда кирди. Техникани мавсумга сифатли ҳолатда халқ назоратчилари бу йил катта ҳисса қўшилди. Ремонтдан чиқарилган машиналарни июль ойи бошларида

бирма-бир синовдан ўтказди. Камчилиги бор агрегаторларга ремонт қўйилди. Текширув иқлими район халқ контроли комитетидан муҳома қилиниб, Свердлов номидаги совхоз бош инженери К. А. Абубакировга виговор эълон қилинди. РАПО раисининг механизация бўйича ўринбосари О. Юнусов жиддий оғоҳлантирилди.

Август ойи бошларида яна такорий рейд ўтказиб, илгари кўрсатилган камчиликлар қандай бартараф этилганлигини текширдик. Камчилиги бор машиналар яна қайтарилди ва ой охирида такорий кўздан кечирилди.

Машина теримини районда биринчи бўлиб Оқунобоев номидаги совхоз механизаторлари бошлаб беришди. Колхоз назоратчилари бу йил терим машиналари айланган жойларни ҳозирлашга янгича ёндашишди.

ИЛГОР ТАЖРИБА

Илгарилари картанинг боши ва атидаги гуза терим арафасида ўриб олинганда, ҳосили кейин териларди. Бу йил эса пахта олдин териб олинди, сўнг гузалар ўрилди. Шу тариқа биринчи марта топириллаётган ҳосил миқдори яна ҳам кўпайди.

Ҳозир ҳамма жойда шундай усул қўлланилмоқда. Чунки районимиз пахтакорлари бу йил йиғиштириб олинган ялли ҳосилдан кам деганда 13 минг тонна сифатли тола ҳосил қилиш мажбуриятини олдилар. Пахта сифатли бўлса тола ҳам сифатли бўлиши улар яхши билидилар. Ҳозир ўтказилган рейдлар давомида пахтадан хом ёки тўкиб ташланган механизаторлар йўлига гов солинишда, ҳосили бақат юқори сортларга топириш чоралари кўрилмоқда.

Колхоз ва совхоз халқ назоратчилари текширувлар самарадорлигини оширишга, мавсуд ресурслардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўтган йилларда улар турли соҳалар бўйлаб 259 та рейд ва текширув ўтказдилар. Шу текширувларнинг 11 таси район халқ контроли комитетидан кўриб чиқилди, 26 раҳбар ҳодим жазоланди, тўққиз кишига эса ойлик маоши

лари миқдоридан пул начети ёзилди.

Бу йил пахта билан бирга совхоз экинлари оқиш планларининг бажарилиши ҳам қаттиқ назорат остига олинди. Текширувлар давомида Тельман номидаги совхозда, «Партия XXVI съезди» совхозидан алмашлаб экинга мўлақот этиб берилаётганлиги, бедзорлар Свердлов номидаги совхозда 80 гектарга, «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозидан 22 гектарга камчилик кетганлиги аниқланди. Бу ҳол жиддий муҳомага сабаб бўлди.

Бригада пулратини жорий этиш масаласи ҳам диққат марказида турпти. Ўтган йили пахтачиликда 16 та, озуқачиликда эса 15 та бригадалар пудрат усулида ишлаган эди. Назоратчилар талаби билан бу йил бироз ўзгаришлар содир бўлди. Ҳаққончилик билан шугулланувчи бригадаларнинг 30,2 проценти пудрат усулида ишлаганга ўтказилди. Чорвачилик фермаларида эса 24 та бригадалар янги усулда ишлаган.

Биз хўжалик ва маданий қўрилишдаги аҳолини яхшилашда бевосита жамоатчиларга таянмоқдамиз. Ўтган йилларда комитетга турли касб вақилилардан 33 та хат ва шикоят тушди. Уларда резервлардан оқилона фойдаланиш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, мансабни сунистеъмол қилиш ҳолларига барҳам бериш зарурлиги ўқтирилган эди. Хатлар асосида ўтказилган текширувлар давомида «Гулистон» колхозини, Пискент кўча механизациялашган қолончаси, халқ маорифи бўлими, ёш табиатшунослар станцияси ва бошқа жойларда раҳбарларнинг ўзбошимчаклиги билан айрим ҳодимлар қонунга ҳилоф равишда ишдан бўшатирилганлиги аниқланди. Район халқ контроли комитетининг аралашуви билан ҳоҳақ ишдан бўшатирилган олти ҳодим ўз вазифасига қайта тикланди.

Ноҳақлик ва адолатсизликка қарши кураш бундан бўён ҳам давом этаверади. Халқ контроли группаларига бирлашган 1,5 мингдан ортиқ жамоатчи барча жойларда ҳақиқатнинг тантина қилиниши, социал адолатнинг тикланиши йўлида қайғурмоқдалар. Улар меҳнатда ва жамоат ишларида актив иштирок этиб, партия қўйган вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Т. ХОЛБОВЕВ,
Пискент район халқ контроли комитети раиси.

КўНЛАР совб борапти. Ҳадемай қиш ҳам кириб келади. Бу мавсумда ёнги ва энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёк яна ҳам ошди. Илгор хўжаликларининг коллективлари шунинг ҳисобига олиб, йил давомида тежамкорлик режимида қатъий амал қилдилар ва қиш мавсуми учун етарли миқдорда ёнгиликни галлаб қўйдилар. Тежамкорликка риоя этилган хўжаликлар эса қишда қишлоқ кўнларда қишнинг аҳволига тушиб қолдилар.

Яқинда биз ёнгилик-мошлар материаллар сарфидини атрофлича текшириб чиқдик. Шунинг айтиши керакики, Тошкент областининг қўнгина хўжаликларидан нефть маҳсулотларини ҳисобга олиш ва ундан фойдаланиш қонин қарсиз аҳволда. Текширилган 20 та колхоз ва совхознинг аксариятида маҳсулотларини сақлаш, ҳисобга олиш, фойдаланиш қондалари қўпол равишда бузилмоқда.

Тошкент районидан «Ленин йўли» колхозини, Янгийўл районидан Ленин номидаги «Коммунизм» колхозларини, Галаба районидан Киров номидаги ўқув-тажриба хўжалиги каби 11 та хўжаликда нефть маҳсулотларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш бўйича ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Мутахассислар қандай қилиб тежамкорликка эришиш йўллари хатто билинмайдилар. Нефть маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини сақлаш бўйича ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Турли мар-

Ҳар соҳага тежамкор бўлайлик

кадаги бензинлар битта идишга аралаштириб қўйилмоқда. Идишларнинг қопқоғи эндила ёнмайди, ҳаво алмаштириш клапанлари ишлайди. Бу ҳол нефть маҳсулотларини сифатига путур етказмоқда.

Калинин районидан Куйбишев номидаги совхозда «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозини, Оққўрғон районидан

ЁНИЛҒИ — ОҚАР СУВ ЭМАС

«Оққўрғон» совхозини, Галаба районидан Ленин номидаги колхозда нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатишда жиддий камчиликлар мавжуддир. Бундай ҳоллар областдаги бошқа хўжаликларда ҳам учрамоқда. Шунинг оқибатида йилгига нормага қўшимча равишда 70 тоннадан кўпроқ нефть маҳсулоти исроф бўлапти.

Район агрономот бирлашмалари хўжаликларини зарур инструкторлар ва кўрсаткич билан ўз вақтида таъминламоқдалар, ёнгилик қўйиш станциялари иш устидан назоратини бўшашиб кетганлиги натижасида шундай ҳоллар келиб чиқмоқда. Калинин районидан «Узбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларида, Янгийўл ра-

йонидан «Коммунизм», Н. Ниёзов номидаги колхозларда одат тусига кириб қолган.

Қўнгина тракторларнинг аккумулятори яхши ишламаслиги натижасида транспорт воситалари тушқи дам олиш соатларида ҳам беҳуда ишлаб турибди. Чунки мотор ўчиб қолса қайта ўтириш қийин. Шунинг учун ҳам ҳайдовчилар бемалол моторни ишлаб қўйиб пинакка кетмоқдалар. Бунинг натижасида қўлаб дилез ёнгилик беҳуда сарф бўлапти. Шундай йўллар билан «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозидан 10 тонна, «Оққўрғон» совхозидан эса 30 тонна дилез ёнгиликсиз қўйиб юборилди.

Дилез ёнгиликсини бошқа йўллар билан исроф қилиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Айрим хўжаликларнинг «хотамтой» раҳбарлари фонддаги ёнгиликни бошқа ташкилотларга ҳадя этмоқдалар. Текширилган 5 та хўжаликда 45 тоннадан ортиқ ёнгилик қўшни ташкилотларга бериб юборилганлиги маълум бўлди.

Хўжаликларнинг халқ контроли группалари аъзолари кейинги пайларда ёнгилик-мошлар материалларини сарфиди устидан назоратини бўшаштириб юборганликлари учун ҳам шундай нохуш ҳоллар келиб чиқмоқда.

С. САЛИМОВ,
Н. ФОЗИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Давлат нефть инспекциясининг инспекторлари.



Оққўрғон районидан Оқунобоев номидаги колхоз терим-транспорт отрядлари ҳузурида ташкил этилган муваққат халқ контроли постлари аъзолари пайкаларга машина тушиши олди-

дан очилган пахтаи синчилик билан кўздан кечириб чиқмоқдалар. Пахтадан 75—80 процент оқилган карталарга терим машиналари туширилмоқда. Пировадда териб олинган ҳосил

фақат биринчи сортларга топширилмоқда. Суратда: колхоз партия комитети секретари Умаржон Бакиров (ўртада) муваққат пост аъзолари билан бўлиги Солижон Жумаев (ўнгдан), авено бош-

Х. Аввалов фотоси.

ГРУППАЛАР ФАОЛИЯТИДАН

— Корхонамиз халқ контроли группасига 24 жамоатчи берилашган, — дейди «Алмалик-рамор» ишлаб чиқариш бirlашмаси партия бюросининг секретари З. Қўшбоев. — Уларнинг аксарияти коммунистлардир. Назоратчилар орасида шаҳар партия комитети аъзоси, машиинист А. Ақомов, мастер Г. Сайфуллин, катта мастер Ш. Алматов, участка бошлиги Р. Пулатов каби ишчан кишилар бор. Улар ўтказилган ҳар бир рейдда актив иштирок этмоқдалар, ўзлари бажарётган ишлар тўғрисида партия бюросида вақти-вақти билан ҳисоб бериб бормоқдалар.

Бирлашма коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган йилигида группа раиси Т. Қўшбоевга ўтган йилларда халқ назоратчилари бажарган ишлар тўғрисида ҳисоб берди. Сўзга чиққан коммунистлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, интизомни мустаҳкамлашда, қўшиб ёнгиликларга қарши курашда

ҚАЙТА ЎЛЧАНГАНДА

назоратчилар катта ёрдам бераётганликларини мамун бўлиб гапирдилар. Ҳақиқатан ҳам ўтказилган рейдлар исзис қолмапти. Ўтган давр мобайнида назоратчилар 33 та рейд ва текширув уюштирдилар. Уларнинг бирида карьердан ортилаётган оҳақтошлар қайта ўлаб қўрилди. Шунда ҳар бир автомашинага 600 килограмдан бир тоннагача оҳақтош кам ортилаётганлиги маълум бўлди. Юкларни қўшиб ёиш ҳоллари бошқа участкаларда ҳам бор эди. Жумладан, шағал ташинида қўшиб ёиш авжига минган экан.

Рейд якунлари группа йилигида муҳома этилиб айбдорлар партия бюроси ва маъмуриятга маълум қилинди. Уларга нисбатан қаттиқ чоралар қўрилди.

Яна бир рейдда меҳнат интизоми текширилди. Хизматчилардан Холбоев, Бара-тов, Якушевни кабилар ўша кунни ишга 40 минутчага кечиниб келишди. Прогулчи-ларга виговор эълон қилинди.

Бирлашма назоратчилари ҳар бир соҳадан кўз-қулоқ бўлиб турибдилар. Бир гал улар мармар парчалари ҳужжасиз жўнатилаётганлигини устидан қиқиб қолдишди. Шундан кейин бу участкада ҳам тартиб ўрнатилди.

Партия йилигида сўзга чиққан коммунистлар иккинчи ишларни таъкидлаш билан бирга группа феолиятидаги айрим нуқсонларни ҳам тилга олиб ўтидилар. Қўп ҳолларда рейд якунлари оммага маълум қилинмайдилар. Халқ контроли экрани ўз вақтида чиқарилмади. Бундан ташқари айрим рейдларда мутахассислар жалб этилмаганлиги учун ҳам текширувлар яхши самара бермади. Текширувларга маълум соҳадан яхши билувчи, ҳисоб-китобдан хабари бор кишилар таклиф қилинсин. Назоратчиларни ўқитиш, малакасини ошириш ҳам муҳим вазифа эканлиги ўқтирилди.

Лекин корхонада рўй бераётган камчиликларнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Мармар ва гранит парчала-

ри машиналарга тортилмай ортилади. Чунки карьерларда махсус тарози ўрнатилмаган. Бу ҳақда кўп гап бўлди. Лекин маблаг йўлнинг баҳона қилиниб, тарозилар ҳамон ўрнатилмапти. Шунинг оқибатида айрим ҳолларда юклар охириб кўрсатилмапти.

Назоратчилар социал масалаларда ҳам қўпгина тақлифларни ўртага ташламоқдалар. Шу жумладан, уй-жой қурилиши масаласида улар бирлашма партия ташкилотини ва маъмуриятдан зарур чоралар қўришни талаб қилдилар. Лекин бу талаб қорозда қолиб кетди. Маблаг йўл деган баҳона билан уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Назоратчиларнинг ситналларида бундай этиборсизликни қаттиқ қоралаш зарур. Биронга сигнал ҳам натижасиз қолмаслиги керак.

О. ХУШНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Мен узоқ йиллар оғир саноат корхоналарида ишлаб, пенсияга чиққанман. Ҳозир 75 ёшданман. Яқин-яқинларга Собир Раҳимов районидан Матбуот кўчасида истифотат қилардим. Лекин қурилишлар қўламини кенгайтиб, бизнинг ҳовли ҳам бузилган бўлди. Ўзинга мактаб биноси тушди. Иморатини баҳолаб, 8500 сўм ёзишди.

Тезда бизнинг оилага уч хонали янги уй беришди. Хурсанд бўлиб кўчиб ўтдик. Лекин иморат учун ажра-

БЕШ ОЙДАН БЕРИ САРСОНМАН

тилган пуддан дарак йўқ эди. Хўжаликларини олиб, шаҳар техника инвентаризация бюросига (БТИ) бордим. Бюро бошлиғи ўртоқ Великанов ҳужжатларини кўриб чиқиб, шаҳар ижроия комитетини капитал қурилиш бўлимига учраштиришни маслаҳат берди. Пулга ордериш пу бўлимдан олишим керак экан.

Беш ойдан бери капитал қурилиш бўлимига қатнайман. Шу ерда ишлайдиган Шомил деган ҳодим ҳамма

ишни чалқаштириб юборди. Қари ҳолига қарамай олти марта район ижроия комитетига, саккиз марта шаҳар архитектура бошқармасига, ўн бир марта техника инвентаризация бюросига бориб келдим. Ҳар гал Шомил бир баҳонани ўйлаб топади. Наҳотки қонун йўли билан ажратилган маблағини ололмасам! Охири ўйлаб-ўйлаб редакцияга мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

Ғ. ТОШПЎЛАТОВ,
пенсионер.

РАЙОН ВА ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

Эскича ишлаш оқибати

Чиноз районидан «Олмазор» совхоз-заводи бир неча йилларини, ишлаб чиқариш пилларини бажармай келаяпти. Боғларда дархат ва узум қўчатлари сийраклашиб қолган, агротехника тадбирлар ўз вақтида ўтказилмайдилар, ҳўжасизлик ҳўким сурмоқда.

Бог ва тоқзорларни текшириш шунинг кўрсаткичи, хўжалик бош агрономи В. Варанининг айти билан 370 гектар боғнинг 45 гектари касалланган, 22 гектар боғдаги қўчатларга шакл берилмаган. Бунинг натижасида бу йил жуда кўп мева-лар тўқилиб кетди. Ана шундай хўжасизлик тўғрисида маҳсулот танарики қимматлилик бормоқда.

Хўжаликда мева ва узумнинг сифатини йиғиш, сақлаш ва ташиниш етарли аҳамият берилапти. Халқ назоратчилари текширув ўтказилган кунда таёрлов технологиясини бузилаётганлиги аниқландилар. Таёрловчиларнинг аксарият қисми олма сортларини ажрата билмасликлари маълум бўлди. Ишчи-ларга этикеткалар ёпиштирилмади, таёрловчиларнинг фамилияси ва навои таёрлангани кўрсатилмади. Микроларга сифатсиз маҳсулотлар жўнатиламоқда.

1985 йилда ҳам сифатсиз маҳсулотлар жўнатишга учун қўпгина микролар пул тўлашдан бош тортдилар.

Бунинг натижасида совхоз 55 минг сўмлик зарар кўрди. Совхоз маъмурияти бу камчиликдан тегишли хўласа чиқариб олмади. Иш қайта қурилмади. Натижада бу йил ҳам ўтган йилдаги камчиликлар тақороланмоқда. Микролар 3 минг сўмликдан кўп маҳсулотга пул тўлашдан бош торттишди.

Район халқ контроли комитети мажлисида совхоз-заводда ўз бераётган ана шу камчиликлар қаттиқ танқид қилинди. Совхоз директори Шосолихонга виговор берилди ва бир ойлик маоши ҳисобидан жарима солинди. Хўжалик бош агрономи Варанига қаттиқ виговор эълон қилинди.

Интизом бузилмасин

Галаба район халқ контроли комитети яқинда 3-қиллоқ қурилиш комбинати ва 71-қўма механизациялашган колоннада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ичкилибозлик ва алкоголизмга қарши қандай кураш олиб борилаётганлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилди.

3-қиллоқ қурилиш комбинатидан шу йилининг ўтган даври ичиде беш киши хўшроҳонага тушди. Олти киши ишдан кетга қолди ва 17 киши йўқотилди. Раҳбарларнинг рўхсати билан 21 киши ишга келмади ва 29 киши йўқотилди.

71-қўма механизация-

лашган колоннада ҳам меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ичкилибозлик ва алкоголизмга қарши кураш талаб даражасида олиб борилаётганлиги қайд этилди. Масалан, Р. Балабанов, Р. Кауенов ийгирма кун ишга келмадилар. Лекин маъмурият бу интизомсизларга қарши қатъий чора кўрмади.

Мазкур қурилиш ташкилотиде 1985 йилининг олти ойи ичиде интизомсизлик тўғрисида 90-шун кунни йўқотган бўлса, 1986 йилининг худди шу даври ичиде интизомсизлик тўғрисида 100 киши йўқотилди. Бу йил маъмуриятнинг рўхсати билан ишга келмаслик аввалги йилга нисбатан икки бараварга кўпайди. 1985 йилда маъмурият ижозати билан 126 киши ишга келмаган ва 222 киши йўқотилган бўлса, бу йил 244 киши ишга келмади ва 431 киши йўқотилди. Бу ҳолатлардан саккиз киши хўшроҳонага тушди, ичкилибозлик ва алкоголизмга қарши жиддий чоралар қурилмапти.

Яшириб сотилган харидоргир моллар

Бекобод шаҳар савдо идораси маъмурияти, жамоат ташкилотлари меҳнатсиз даромадга қарши курашни кучайтириш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга

КИШГА ТАҒЕРМИСИЗ?

ТЕГИШЛИ ХУЛОСА

Корхонамизда қишга таёргарлик барвақт бошлаб юборилди. Бунда ўтган йил юз берган камчиликлар тўла ҳисобга олинди. Қишда одатда электр энергия, газ, иссиқ сувага нисбатан эҳтиёж ошади. Шунинг ҳисобига олтиб иссиқ сува келадиган трубаляри текширувлдан ўтказилди. 50 метрлик турли диаметрдаги трубаляри яроқсиз ҳолга келиб қолган экан. Август, сентябрь ойларида улар янгиланди.

Рейдлардан бири электр энергиядан тўғри фойдаланишга қаратилди. Айрим пехларда вақтида хом ашё тайёрлаб қўйилмаганлиги сабабли пехлар баязан бекор ишлатилгани маълум бўлди. Айниқса 5-пехда бу нуқсон кўпроқ юз бераётганлиги аниқланди. Рейд натижалари коллективнинг умумий йилигида муҳома қилиниб айбдорларга нисбатан чоралар кўрилди. Қуз-киш фаслларида пехлардан, энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди.

Газдан самарали фойдаланиш бўйича ҳам текширув ўтказилди. Ишга маҳсулотлар тайёрловчи пехларда қуйириш технологиясини бузилаётганлиги, нормадагидан кўпроқ газ сарфланаётганлиги аниқланди. Халқ назоратчилари В. Русланов раҳбарлик қилаётган пехда айрим пехларда суткасида нормадагидан 75 кубометр кўп газ исроф бўлаётганлиги исбот қилинди. Бу масала халқ контроли бош группасининг йилигида муҳома қилиниб цех бошлиғи В. Руслановга виговор берилди. 4-пехда ҳам газдан тежаб-тежаб фойдаланилмаётганлиги маълум бўлди. Ишда бу пехдаги камчиликлар ҳам рўй-рост очиб ташланди. Цех бошлиғи А. Арутюновга ҳам виговор берилди.

Корхона халқ контроли группаси фаолиятидан бу каби нисолларни қўлаб келтириш мумкин. Назоратчилар корхонани кузги-киши мавсумида таёргарлик ишда актив қатнашмоқдалар. Айниқса, Н. Саидов, Л. Кривин, В. Перепелкин, З. Самингунов, Ж. Кузьмина каби кишилар рейд ва текширишларда фаол иштирок этиб, ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар. Корхонада мавсумга таёргарлик қизғин давом этмоқда.

Р. ПОПОВА,
«Микон» заводи бош энергетик бўлими инженери, халқ контроли группаси аъзоси.



С. Великин фотоси, ЎзТАГ.

*

САНЪАТ ХАВАРЛАРИ

ҚҶШИҚЧИ ШОИР

БИЛАН УЧРАШУВ

Дам олиш куни Газал-кентдаги маданият саройида қўшиқчи шоир Илья Резник билан учрашув бўлиб ўтди. Таниқли қалам соҳиб-и ўз ижодий ишлари, кел-гуси режиссура ҳақида га-пириб берди. Меҳнаткаш-ларнинг қатор саволларига жавоб қайтарди.

Учрашув сўнггида «Нед-лим-да, айтдим» бадиий фильми намойиш этилди. Фильмда бош ролни Илья Резникнинг энг яқин дўст-ларидан бири, РСФСРда хиз-мат қўсатган артист Алла Пугачева ижро этган.

М. ДОКТОРОВ.

МАДАНИЙ ХИЗМАТ

КЎРСАТИЛМОҚДА


ГАЛАБА райони маданият уйи қўшида ташкил этил-ган агитбригада аъзолари йигир-терим қизгин тус ол-ган шу кунларда Свердлов, Энгельс, Димитров, Ленин номида кўлхозларнинг дала шийпонлари, клубларида бў-либ, қишлоқ меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсат-моқдалар. Сиёсий ахборот-чи-лар, пропагандистлар хал-қаро аҳвол, иқтисодий тема-ларда лекция ўқиб, суҳбат-лар ўтказмоқдалар. Хавас-корлик коллективлари кон-цертлар қўйиб беришмоқдалар.

Р. ЯҲУЛЧЕВА.

Спорт

БОКС

БОКС БЎЙИЧА Москвада «Олимпийский» спорт ком-плексида саралаш мусобақа-лари ўтказила бошланган даст-лабки учрашувлардаёқ рес-публикамизнинг бир қатор спортчилари, жумладан, 54 ки-лограммгача бўлган вази ка-тегориясида иштирок этган чирчиқлик СССР спорт мас-тери Қосим Раҳимов, 51 кило-граммгача бўлган вази катего-риясида қатнашаётган спорт мас-тери (Чирчиқ) Илёс Раҳи-мов ҳамда 67 килограммгача вазилик боксчилар турнири-да мусобақалашаётган ан-глик СССР спорт мас-тери Тобиас Исроиловлар соврин-дорлар сифидан ўрин олиш-ларини мутахассислар ҳам таъ-кидлашарди. Дарҳақиқат, шун-дай бўлди. Фақат Қосим Ра-ҳимов ва Илёс Раҳимовлар финал беллашувларида бир қа-дам қолганда юлқазиб қўйиш-ди. Тобиас Исроилов эса ярим финалда ҳам дадил ва аниқ ҳаракат қилиб финалга йў-ланма олд. Тобиас Исроилов москвалик Г. Темирболатов бил-ан бўлган учрашувада юлқа-зиб қўйди ва спартакениднинг кумуш медалига сазовор бўл-ди.



Суратда: спартакда кумуш медал соҳибдори Т. Исрои-лов.

А. ЗУФАРОВ ФОТОСИ.

ШАХМАТ

Ленинградда шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвони учун ўтказилган матч-реваншнинг 20-партияси ўйналди. 21-юриш-дан сўнг томонлар дуррангга эришди.

Ҳозирча ҳисоб 10:10. Нав-батдаги 21-партия бугун ўтказ-илинади. А. Карпов оқ доналар билан ўйнайди.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

Москвада спорт гимнастика-си бўйича спартакда турнир-и янжунди. Финалда эр-кавлар ўртасида брусда маш-қажарида республикамиз вакили Р. Габитов яхши нати-жа кўрсатиб, бронза соврини-га сазовор бўлди. Қонинда ҳисобида Ўзбекистон тёрна командаси 9-ўринни эгаллади.

ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ

УНИВЕРСИТЕТГА

КАБУЛ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ик-ки йиллик ишчи-қишлоқ мухбирлари университетга навбатдаги янги гуруҳга

ПОЙТАХТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ



ДЎСТАЛИК КАРНАВАЛИ

Шанба ва якшанба кун-лари Ленин комсомоли номи-да Марказий маданият ва истироҳат боғи санъатсав-ларда ҳамда дам олувчиларга ҳар қачонгидан ҳам намуна-

ли ва мазмунли хизмат кўр-сади. Бу ерда ХХХХ ан-навий Тошкент дўстлик кар-навали тантаналари ўтказил-ди. Республиканинг та-ниқли қўшиқчилари, ас-ки-

чилар, қизқичилар, ҳажвчи-лар, санъат усталари карна-вал иштирокчилари хизма-тида бўлишди. Тантаналар-да фақатгина тошкентликлар эмас, пойтахтимиз меҳмон-лари ҳам, республикамиз ол-ий ўқув юртида таҳсил

қўраётган чет эл студентла-ри ҳам мириқиб дам олди-лар. Карнавал сўнггида тур-ли мамлакатларнинг ёшлари дав-ра қўриб барча халқлар-нинг оҳанглари остида рақ-са тушди.

Суратларда: карнавал тан-таналари.
Р. Галиев фотолари.

ШАҲРИНГИЗНИ

БИЛАСИЗМИ?

Ўтган шанба Тельман номида маданият ва истиро-ҳат боғида минглаб тошкент-ликлар ва пойтахтимиз меҳ-монлари Умулжаҳон туризм кўни муносабати билан ўт-казилган тантаналарини қиз-гин кутиб олдилар. Ўтқир зеҳнликлар мушораси бай-рам программасини очиб берди. Мушораларда иштирок-этган туристлар шаҳримиз тарихига оид турли савол-ларга жавоб бердилар. Тош-кентда биринчи трамвай не-чанчи йили юргизилган, мет-ронинг биринчи линияси қа-

чон ишга тушди ва унинг узунлиги неча километрдан иборат, Тошкентда неча ки-нотеатр, театр ва паркилар бор деган саволларга фақат тарих билан яхши таниш бў-лган сайёҳларгина тўғри ва тўла жавоб қайтардилар. Шундан сўнг тўсик ва гов-лардан ошиб бўйича қиз-қарлн югуриш пойғалари ўт-казилди. Қўйибшея районин-нинг мактаб ўқувчилари ҳам-да мактабгача тарбия муас-сасаларининг жамияи ўғил-қизлари иштирокида ўтган бу бахсалар ота-оналарга бир олам қувонч келтирди.

Сайл сўнггида эса боққа келган барча кишилар улкан туристик алағга атрафиди давра қўриб рақса тушди-лар.

ТОШКЕНТ

МЕҲМОНЛАРИ УЧУН

Умулжаҳон туризм кўни арасида Тошкентда «Ўзбекистон» меҳмонхона-сининг йиғинасида «Инту-рист» маданий ахборот мар-кази очилди. Бу ўзига хос архитектура кўринишидаги бино — шаҳримиз кўрқига кўрқ қўшиқчи шубҳаси. Шу кўни бу ерда қўлаб чет эллик меҳмонлар, шаҳар меҳнаткашлари иштирокида тантаналар ўтказилди. Бино 600 ўринли томоша залини ўз ичига олган бў-либ, бу ерда йирик халқаро анжуманлар ўтказиш мум-кин. Залда бир пайтинг ўзига нотинч сўзини учта тилга таржима қилиб бера-диган радиотехника аппаратлари ўрнатилган. Бино ҳолисидида бассейн, кафе, бар, 200 ўринли ки-чик зал эса келгусида Тош-кент меҳмонлари учун хиз-мат қилади.

В. ЛУШЕВСКИЙ.

ТУРИСТИК МАРШРУТЛАР БЎЛАБ

ЯНГИ ДАМ ОЛИШ ЗОНАСИ

ЧИМЕН дам олиш базаси йилидаги Белдирсой манзи-лида жуда катта қурилиш иш-хосига этакзилди. Халқаро объект ҳисоблан-ган бу «Турист» трассаси-ларнинг қуриш бош лудрат-ни «ЧарвакГЭСстрой»-га топширилган. Айниш мум-кин, улар ўз ўзимасидаги топшириқни муддатиде ба-жариб, умумий қурилиш-монтаж баҳоси 1 миллион сўмга яқин бўлган бу ком-плексини қуришдаги бунёд-этишмоқда. Яна бир-бир ярим ойдан сўнг янги объект фой-даланишга топшириш учун давлат комиссияси ҳукмига ҳавола этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш

керакки, ана шу янги трас-салар қуриладиган Белдир-сойнинг табиий иқлим ша-роитлари чанги спортни бў-йича жаҳон кубоғи босқичи-ни ўтказиш учун энг ахши деб топилади. Бу, халқаро чанги федерацияси тоғ-чан-ги трассаларини тандаш ва тасдиқлаш комитетининг раиси Хубер Шписс (Ав-стрия)нинг фикридир. У Бел-дирсойдаги трасса қурили-шига икки марта ташриф буюрди. Белдирсой — пой-тахт область меҳнаткаш-ларининг дам олиш зо-наси. У қўриб битказил-гач, республика аҳамиятида-ги курортга айланади.

ОБУНА

БЎЛДИНГИЗМИ?

Хўрматли газетхонлар! Иттифоқимизнинг ҳамма жойларидаги каби республи-камада, жумладан, област-мида ҳам 1987 йил учун газета ва журналларга обуна давом этмоқда.

«Тошкент ҳақиқати» газе-тасига ҳам обуна бўлишни унутманг.

Бунинг учун «Союзпе-чат» агентликларида ёки иш жойингиздаги ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамо-атчи матбуот тарқатувчилар-га мурожаат қилишингиз мумкин. Ўлар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қи-либ қўйишади. 1 ноябрдан обуна бўлганларга эса газета 1987 йил февралдан бош-лаб етказиб берилади.

Газетанинг ОБУНА БА-ХОСИ: 1 йилга — 6 сўм 60 тийин.

БИЛДИРИШ

«Тошкент ҳақиқати» га-зета редакцияси ҳузуридаги жамоатчи Совет навбатдаги қабулни бугун 1 октябрь кўни соат 17.00 дан бош-лаб ўтказиши. Бу сафар қа-булни область социал таъ-минот бўлими Давлат нафа-қалари секторининг мудири Анвар Акбаров бошқаради.

Шикоят, ариза ва илти-мосномалари бўлган ўртоқ-лар ана шу қабулхонага ке-лишлари ва ўзларини қизиқ-тирган масалалар юзасидан мурожаат қилишлари мум-кин. Келишга имкон топол-маган кишиларга редакция жамоатчи Совети қабулхо-наси хат орқали ҳам жавоб беради.

Жамоатчи Совет қабулхо-наси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жой-лашган. Телефонлар: 33-40-48, 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚА-ТИ» ЖАМОАТЧИ СО-ВЕТ КАБУЛХОНАСИ.

ШИФОКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ЯНА БИР ОДАМ

ҲАЁТГА ҚАЙТДИ...

Кечга бориб қизнинг ошқо-зонидида оғрик янада зурайд-ди. Тўртинчи марта шундай бўлиши. Дори-дармон таъсир қилмапти. Фақат кеңиктир-май қилинган операциягина уни қутқариб қолшиш мумкин.

Тунги соат тахминан икки-ларда Тошкент медицина ин-ститутининг 2-клиникасидаги биринчи хирургия бўлимига олиб келинган беморни шо-шилччч операцияга ҳозирлаб бошладилар. Операция хо-на-сига олиб кирганларда Ино-бат ҳам ҳажжон, ҳам кўрқув билан атрафни қузарган, бир кечкада уйқусираб ўти-рган хирургини кўриб чўчиб кетди.

«Наҳотки шу одам менинг ҳаётимни ҳал қилса! Бироздан сўнг у ҳолисизлана бошлади... Эрталаб соат саккизи. Ино-бат қўзғаланиб хил оғиб те-пасида унга тикилиб турган чеҳрани ва узоқ-узоқлардан эшитилаётган овозларини эф-ра илғиди.

«Мени эшитявсанми?», Исаинг нима?.. Инобат-а!.. Мени кўраёсанми?.. Қиз қовқоқлари оғирлашиб бораётганини сезди. Аммо юзига эста-аста урилатган қўлдан сесканиб, қизини оч-ди. Яна ўша саволлар. Бироз-дан сўнг фикри тиниклаша бошлади. Теласида энгашиб қўлиб турган чеҳрани ҳам та-ниди. Бу ўша — уйқусираб ўтирган хирург!..

Қимжон ўн беш ёшларда эди. Онаси хасталаниб ётиб қолди. Докторлар қанча ри-ишмасин, онанинг касалини аниқлай олмадилар. Онасида бевақт жудо бўлган Қимжон бутун ҳаётини одамларни да-волаш ишига бағишлаганга аҳд қилди. Шу ният билан Тош-кент Давлат медицина инсти-тутини битирди ва ўзи туғил-диб ўсган Бухорога йўллана олиб, ишлаб бошлади. Кейин-чалик Узоқ Шарқда ҳарбий врач, сўнг Тошкент шаҳар 14-клиникасида болалар хи-рургии бўлиб ишлади. 1977 йилдан бун эса Тошкент Давлат медицина институти 1-хирургия бўлимида биринчи категорияли жарроҳ сифатида хизмат қилмоқда.

Қимжон Ахрововчи Ахровов-нинг ушбу қисқа таркимага ҳоли ортида қанчадан-қанча операциялар, ажал чагали, дам олиб қолган неча ўнлаб ки-зилар ҳаёти ётпти. Тунда безорилар ўйига учраб, кли-никага эффа-эффа ёрдам сўраб келган таскинчи йигит, автобус тағида қўлиб, ҳаётдан кўз юммишига оз қолган ёш қиз,

Мана йигирма йилдики, Қимжон ақанинг ҳаёти, фаолияти инсонлар ҳаёти билан чамбар, час боғлиқ. Кунда операция, ташвиш, уйқусиз тунлар. Бир қарашда турган-битгани азоб. Лекин Қимжон ака бун ўзининг бахти деб билиди.

... Ичкарида операция давом этмоқда. Клиника эшиги олди-да бир киши ҳаяжонланиб дам ичкарига кирди, дам шад билан скамейка томон юрди, бетокатланди.

Шу лойт шик очилиб, Қимжон ака қўринди. У ҳорин қўллари билан мангалайдаги маржон-маржон тўрларни артиб, чер-чокдан киргизган қўзларни-ла кинидир қидира бошлади.

Ўзига интиқлик билан тики-либ, у томон юра бошлаган кишини кўрди-ю, жилмайди. Демак, ҳаммаси жойида. Яна бир бемор ҳаётга қайтди...

Ф. ЯҲУЛДОВЕВА.

Редактор

Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

Ҳар томонлама қулай

БУ ЛИБОСЛАРНИ ҲАР ҚУНИ, САФАР-ДА, ОЛИС САҲАТЛАРДА, ШАҲАР АТРО-ФИДА САЙР ЭТГАНДА КИЙИШ ҚУЛАЙ ДИР.

Бенгил, чидамли бўлган куртга ёмғир, со-вуқ, шамолдан яхши ҳимоя қилади.

Самарқанддаги 8 март тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси астарли напрои газала-ми билан безакланган болалар, эркаклар ва хотин-қизларнинг кенг қилиб тикилган курт-каларини харидорлар диққатига ҳавола қи-лади.

БУ КУРТКАЛАР ҚОҶҚОҶЛИ ҲАМ-ЕН-ЛАР, ҚОТИРМА ЕҶЛАР, ЗАСТЕНКА-ЛАР, ЧИРОЙЛИ ЧОҶЛАР, ФУРНИТУРА-ЛАР БИЛАН БЕЗАЛАН.

Катталар курткаси баҳоси 39 сўмдан 60 сўмгача, болалар курткаси эса 20 сўмдан 40 сўмгача.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙ-ХА КОНСТРУКТОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯ БҶОРОСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ

БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).



УНИВЕРСИТЕТГА МАРҲАМАТ

тинловчилар қабул қилин-моқда. Университетга қолхоз ва совхоз меҳнаткашларининг акавлари, ишчилар ва қу-рувчилар, муассаса ва таъ-лимотларнинг ходимла-ри, студентлар — мухбир.

ликка иштиёқи бўлган барча кишилар киришлари мум-кин. Машгулотлар икки ҳафта-да бир марта, жума кунла-ри кеч соат 18.00 да бош-ланади. Университетга кириш

учун иш ёки ўқини жойи-дан характеристика-тавсия-нома, таркиман ҳол ва 3х4 ҳақимдаги иккита фотосурат-ни тақдим этиш лозим. Хужжатлар редакция бино-сида қабул қилинади. Адресимиз: Ленинград кў-часи, 32, 7-қават, 747-хона. Шаҳар телефони 32-55-56, ички телефон 55-56.

БИЗНИНГ АДРЕС:

700088, ТОШКЕНТ

ЛЕНИНГРАД

КҶЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секрета-рият — 325750, БУЛИМАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги нав-батчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

